# ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).

Уруш хавфини тугатиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш ишида СССР билан Ҳиндистоннинг бир ўзандан бораётган куч-ғайратлари алоҳида ўрин олади. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик халқаро муносабатларнинг бутун системасида тобора муҳим самарали роль ўйнаётганлиги билан ҳеч ким ҳисоблашмаслиги мумкин эмас. Улар ўз намунаси кучи билан тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтиришга кўмаклашмоқдалар, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашни кўзлаб ишламоқдалар. Бизнинг тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномамиз шу мақсадларга яхши хизмат қилмоқда.

Барча халқлар тинчлик ва тараққиётга интилмоқда, улардан биронтаси урушни хоҳламайди. Бироқ, бошқа мақсадларни кўзлаётган кучлар бор. Бу кучлар бошқаларнинг ҳаққоний манфаатлари билан ва ҳозирги дунёнинг сиёсий реалликлари билан ҳисоблашишни хоҳламаяптилар. Мана шу кимсалар ҳарбий устунлик жазавасига тушиб, дунёни қуролланиш пойгасининг миқёслари жиҳатидан мисли кўрилмаган яна бир даврасига дучор этдилар, бу давра назорат қилиб бўлмайдиган жараёнларни келтириб чиқарадиган сифат жиҳатидан янги паллага ўтиш хавфини туғдирмоқда.

Масалан, Вашингтондагилар пардалаш мақсадида «мудофаа ташаббуси» деб тасвирлашга уринаётган «самовий урушлар» деган машъум программа халқларга нима келтира олади? Аввало, ядро уруши чиқиш хавфини анча ошириши мумкин. Бу нарса қуролсизланиш масалалари хусусида аҳдномага эришиш имкониятларини кескин камайтириб юборади, албатта. Қуролланиш пойгаси, шу жумладан ядровий қуролланиш пойгаси ўтхонасига қўшимча равишда жуда катта маблағ ташланади. Ҳолбуки, бу маблағ инсониятни тинч ривожлантириш манфаатларига, шу жумладан қашшоқлик ва очликни, касаллик ва саводсизликни тугатиш сингари етилган муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши мумкин бўлур эди.

Шу боисдан космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш муаммоси барча мамлакат ва халқларнинг манфаатларига даҳлдордир, ҳеч кимни четлаб ўтмайди. Модомики, шундай экан, вақт ғаниматида, юпатувчи баёнотлар ниқоби остида ҳали қайтариб бўлмайдиган вазият вужудга келмасдан бурун, барча тинчликсевар давлатлар бу янги хавфга қарши эканликларини баралла айтишлари лозим, деб ўйлаймиз.

Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўнлаб давлатлар жаҳон майдонига чиқиб, мустамлакачиликнинг ҳалокатли оқибатларини бартараф этишга интилаётганликлари ҳозирги дунёнинг реалликларидан биридир. Уларнинг аксарияти қўшилмаслик сиёсатига амал қилмоқда. Қўшилмаслик ҳаракатининг вужудга келиши, у жаҳон сиёсатининг муҳим омилига айланганлиги — ҳозирги замоннинг қонуниятли ҳодисасидир. Озодликка чиққан халқлар давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига, ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини бошқалар эътироф қилишига, ҳукмронлик ва буйруқбозлик, гегемонияни даъво қилишнинг ҳар қандай кўринишларини халқаро турмушдан соқит қилишга интилаётганлиги мана шунда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Хуллас, озодликка чиққан мамлакатлар ўзларининг фойда ундириб олинадиган бир манба, деб қаралишини, уларнинг территориясида ҳарбий базалар ва таянч пунктлари жойлаштирилишини хоҳламайдилар. Бу мамлакатларнинг муддаосини тушуниш мумкингина бўлиб қолмай, лозим ҳамдир. Уларни ўзларидан ҳатто сўраб ҳам турмай, кимларнингдир «ҳаётий манфаатлари» соҳалари деб эълон қилаётган эканлар, буни мазкур мамлакатларнинг манфаатларини эътиборга олишдан асар ҳам йўқ деса бўлади. Уларнинг манфаатлари умуман эътибордан четда қолдирилмоқда.

Ҳозирги шароитда ер куррасининг турли районларидаги можаролар нақадар катта хавф туғдираётганлиги ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ. Чуқурроқ назар ташланадиган бўлса, доимо империалист давлатларнинг озодликка чиққан мамлакатлар ишларига бирон бир тарзда аралашиш, уларни ўз таъсирига бўйсундириш йўлидаги уринишлари шу можаролар замирида ётганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Дунёдаги кўпгина кескинлик манбалари вужудга келишига «ўта буюк давлатларнинг рақобати» деб аталган машъум баҳона эмас, балки айни империалист давлатларнинг мана шу кирдикорлари сабаб бўлмоқда.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир доимий аъзоси шу қитъалардаги мамлакатлар билан муносабатларда аралашмаслик, куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик ҳамда уларни ҳарбий блокларга жалб қилмаслик принципларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олиши сингари тадбир Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кескинлик манбаларини тугатишга ва бир қанча можароларни тинч бартараф этишга кўмаклашган бўлур эди, деб ўйлаймиз. Совет Иттифоқи ўз зиммасига шундай мажбурият олишга тайёр. Бу бизнинг ташқи сиёсатимиз принципларига мутлақо мос бўлиб тушади.

«Кескинликни юмшатиш» тушунчаси Европада вужудга келди. Хельсинкида тарихий ҳужжат имзоланган кунга ўн йил тўлай деб қолди. Бу ҳужжатда халқлар шу катта, мазмунли иборага киритган маънонинг ҳаммаси жамлаб берилган эди. Океан нариёғидан эсган совуқ шамоллар шу ҳужжат асосида қурилган кўп нарсаларни вайрон қилди. Аммо кўплари бардош бериб, яшаб қолди, чуқур илдиз отди, халқларга сезиларли фойда келтирмоқда.

Ҳозир Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари, эҳтимолки, Европадагидан кам эмас, айрим районларда эса ҳатто тағин ҳам ўткир ва қалтис бўлиб турибди. Шу сабабли кейинги йиллар мобайнида Осиё қитъаси ва унинг айрим регионлари хавфсизлигининг баъзи жиҳатлари юзасидан бир қанча муҳим амалий ташаббуслар кўтариб чиқилганлигининг сабаблари равшан. Шу ташаббусларнинг авторлари орасида социалистик давлатлар, қўшилмаслик ҳаракатининг қатнашчилари бор. СССР билан Ҳиндистон ҳам шулар жумласига киради.

Ўртага қўйилган таклифлар халқаро турмушнинг кун тартибида турибди. Масалан, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги таклифни БМТ Бош Ассамблеяси ва қўшилмаслик ҳаракати, шу жумладан, бу ҳаракатнинг яқинда Деҳлида бўлиб ўтган конференцияси қўллаб-қувватлади. Осиё қитъасида жойлашган иккала ядровий давлат — СССР ва ХХР ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятларини ўз зиммаларига олганлиги фактига ҳам муносиб баҳо бермоқ керак.

Шундай бир савол туғилади: мана шу ташаббусларнинг ҳаммасини, шунингдек бирон-бир тарзда Европанинг тажрибасини ҳам эътиборга олиб, Осиёдаги хавфсизлик муаммосига ёппасига, комплекс ёндашиш ҳақида ва Осиё давлатларининг бу соҳадаги куч-ғайратларини бирлаштириш имконияти ҳақида ўйлаб кўрса бўлмайдими? Бунга эришиш йўли мураккаб, албатта. Аммо, Хельсинкига бориш йўли ҳам силлиқ ва текис бўлмаган эди-ку. Бу соҳада, чамаси, турли усуллар — икки томонлама музокаралар ҳам, кўп томонлама маслаҳатлашувлар ҳам — то келгусида фикрлашиб олиш ва амалий қарорларга келиш йўлларини биргаликда излаш учун бирон бир Умумосиё анжуманини ўтказиш мумкин бўлур эди.

Бир нарса шак-шубҳасиз: Осиё халқлари тинчлик ва тинч ҳамкорликни таъминлашдан бошқа ҳар қандай қитъанинг халқларидан кўра камроқ манфаатдор эмас ва улар бу мақсадга эришиш учун кўп иш қилишлари мумкин.

Осиё мамлакатларида ҳам, бутун дунёда ҳам зўр обрў эътибор ва ҳурмат қозонган улуғ давлат—Ҳиндистон бу жараёнда ғоят муҳим роль ўйнаши мумкин, деб ўйлаймиз.

Биз Ҳиндистоннинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига, бу соҳада қўшилмаслик ҳаракатининг ролини оширишга қўшаётган ҳиссасини юқори баҳолаймиз.

Ҳиндистоннинг улуғ раҳбарлари Жавоҳарлал Неру ва Индира Гандининг номлари халқларнинг хотирасида абадий қолади, Ҳиндистоннинг тарихи билан ҳам, барча қитъалардаги миллий озодлик курашининг тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқлигича қолади. Ҳиндистон улар бошлаб берган сиёсий йўлдан бориб, ички ривожланишда ўзининг халқаро мавқеини мустаҳкамлашда ажойиб муваффақиятларга эришди. Улар ҳозирги дунёнинг муҳим ижобий омили бўлмиш қўшилмаслик ҳаракатини барпо этиш ва ривожлантириш учун кўп иш қилдилар.

Вафотидан сўнг Индира Гандига «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлиги унинг тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашдаги жуда катта хизматлари кенг миқёсда эътироф қилинганлигининг ифодаларидан бири бўлди.

Совет кишилари Жавоҳарлал Неру билан Индира Гандини мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам, дўстлик ва ҳамкорликнинг қатъий изчил тарафдорлари деб билиб, уларни доимо миннатдорчилик билан эсга оладилар. Бош министр жаноблари, биз машҳур ўтмишдошларингиз ишини давом эттириш ниятингизни билдирганлигингизни юксак қадрлаймиз.

Совет Иттифоқининг раҳбарлари дўстона Совет—Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида актив ҳаракат қилавериш ниятида эканликларига Сизни ишонтира оламан. Тинчликсевар мустақил Ҳиндистоннинг ниятини Совет Иттифоқи доимо тушуниб, қўллаб-қувватлайверади.

Ижозатингиз билан:

Ҳиндистон Республикасининг ҳурматли Бош министри Ражив Ганди, Ганди хоним ва ҳиндистонлик барча дўстларимизнинг соғлиги учун!

Улуғ Ҳиндистон халқининг муваффақиятлари ва фаровонлиги учун!

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик янада чуқурлашуви учун!

Ер юзида мустаҳкам тинчлик учун!—қадаҳ кўтаришни таклиф қиламан.

* * *

Р. Ганди жавоб нутқи сўзлади.

## Р. ГАНДИ нутқи

Бош секретарь, Горбачев, Горбачева хоним!

Жаноби олийлари, Совет Иттифоқилик муҳтарам дўстларимиз!

Мана шу тарихий жойда ва содиқ дўстлар орасида яна бўлиш мени мамнун этмоқда ва бу мен учун катта шарафдир. Рафиқам билан мен самимий кутиб олганликларингиз ва меҳмоннавозлигингиз учун Сизлардан ғоят миннатдормиз. Совет раҳбарининг Ҳиндистонга ва Ҳиндистон намояндасининг Совет Иттифоқига қиладиган ҳар бир визити— буюк халқларимиз ўртасида мавжуд бўлган ва тинчликка кўмаклашаётган қалин дўстликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадамдир. Чунки тинчлик — цивилизацияни жуда бойитган халқларимизга йўл кўрсатиб турган ёрқин юлдуздир. Бизнинг мамлакатларимиз инсоният учун порлоқ келажак таъминланишини истайди. Биз одамлар қаерда бўлмасин даҳшат ва хавотирликда қийналмасликларини хоҳлаймиз.

Ҳар бир идеал ишончни, меҳнат ва қурбонларни талаб этади. Совет халқи ўзининг янги давлатини барпо этганида ва кейинчалик у фашист босқинчиларидан ўз мустақиллигини ҳимоя қилганида бу халқ нақадар катта қурбонлар берганлигини дунё билади. Сизлар яқиндагина фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини нишонладингиз. Икки йилдан кейин сизлар Октябрь революциясининг 70 йиллигини байрам қиласизлар. Биз Ҳиндистонда бу йил Ҳиндистон миллий конгрессининг юз йиллигини нишонлаймиз, Ҳиндистон миллий конгресси озодлигимиз йўлидаги курашга бошчилик қилган эди. Сизларнинг халқингиз тарихий жангларда ўз сафларида кўпдан-кўп қаҳрамонларни етиштирди. Биз империализмга қарши куч ишлатмай гражданлик қаршилиги қуроли билан курашган пайтда бизнинг Ҳиндистонда ҳам худди шундай бўлган эди. Халқимиз янги Ҳиндистонни барпо этиш ва бирлигимизни мустаҳкамлаш жараёнида мислсиз қийинчиликларни бошидан кечирди.

Мен Индира Ганди хоним тўғрисида айтган сўзларингиздан ҳаяжонландим. У Ҳиндистон халқи бахт-саодати йўлида яшади ва меҳнат қилди, лекин у бошқа мамлакатлар халқларининг тақдири билан ҳам яшади. Унинг мақсади ўз имкониятларини рўёбга чиқариб, яхшироқ дунёни барпо этишда ўз ролини ўйнай оладиган Ҳиндистонни вужудга келтиришдан иборат эди. Миллионлаб кишилар уни қизғин севарди, аммо баъзилар муросасиз бўлиб қолаверди. Унинг вафоти нафратга асосланган зўравонлик инсониятнинг асосий душманларидан бири эканлигини доим эслатиб туради. Унинг вафоти мустаҳкам илдиз отган жаҳолат ва эскича фикрлаш тарзи янги тузумга солаётган хавф-хатарни ҳам таъкидлайди.

Совет халқининг тинчлик ишига содиқлиги унинг идеалларидан келиб чиқади, шунингдек бошқа биронта халқ урушдан шу қадар кулфат чекмаганлиги билан изоҳланади. Биз, Ҳиндистондагилар ҳам тинчлик ишига астойдил содиқмиз, чунки бизнинг яхши турмушга бўлган барча умидларимиз тинчлик билан боғланган. Маҳатма Ганди, Жавоҳарлал Неру ва Индира Гандидан илҳомланиб, биз феодализм ва империалистик ҳукмронлик асрлар мобайнида халқимиз елкасига ортган оғир юкни улоқтириб ташлаш учун куч-ғайрат сарфламоқдамиз .Биз социализм ва адолатли социал тузум ишига содиқмиз. Ҳиндистон мустақилликни курашиб қўлга киритган вақтдан буён экономикани ривожлантириш соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришди. Биз дон етиштиришда ўзимизни-ўзимиз тўла таъминлайдиган бўлиб қолдик ва замонавий саноат жамиятига асос солдик. Биз олимларимиз ҳамда техник мутахассисларимизнинг кўпгина илғор соҳалардаги ишлари билан ва бу ишлар замонавий тармоқларда қўлланилаётганлиги билан фахрланамиз. Биз яна ҳам анча тезроқ ҳар томонлама ривожланиш бўсағасида турибмиз.

Жавоҳарлал Неру билан Индира Ганди бизга кўрсатиб берган миллий ривожланиш йўли социал шароитларимизга жуда яхши мос келади. Бу йўлнинг тўғрилиги эришилган натижалар билан исботланди. Биз бундан буён ҳам ўз кучимизга таяниш потенциалини яратиш йўлидан бораверамиз, ривожланиш жараёнида давлат секторига энг муҳим ролни ажратиб, аввало халқ эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қиламиз. Биз қишлоқ хўжалигини, энергетика, транспорт ва алоқани ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан катта-катта программаларни амалга оширишга киришиб, қишлоқ аҳолимиз оммаси учун янги иш жойларини вужудга келтирмоқдамиз ва халқимизнинг бунёдкорлик потенциалидан фойдаланиш учун янада тўлиқроқ имкониятларни таъминламоқдамиз. Инсонни камол топтириш ҳамда жамиятни ривожлантириш каби ҳаётий муҳим соҳада биз маориф ва соғлиқни сақлашга тобора кўпроқ эътибор бермоқдамиз.

Бу жараён асосан халқимизнинг куч-ғайрати билан амалга оширилмоқда. Аммо бизга дўстлар ёрдам бермоқдалар, албатта. Бизнинг иқтисодий ривожланишимизга Совет Иттифоқи бераётган муҳим ва принципиал мадад учун астойдил миннатдормиз. Биз шу ҳамкорликни тез кенгайтиришга интилмоқдамиз. Биз савдо ва иқтисодий алоқаларни мамлакатларимизнинг эҳтиёжларини, экономикаларининг чекланиши ва потенциалини ҳисобга олиб, барқарор ва узоқ муддатли ривожлантиришдан манфаатдормиз. Ҳамкорликнинг янги соҳалари ва механизмларини вужудга келтириш зарур. Иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорлик имкониятлари ғоят катта. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг космосга чиққан космонавтлари халқларимиз ҳамкорлигидаги янги даврнинг даракчилари бўлишди.

Совет Иттифоқи билан дўстлиқ ва ҳамкорлик ташқи сиёсатимизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз совет халқини ўз дўсти деб ҳисоблайди. Биз учун қийин пайтда совет халқи ҳамиша ёнма-ён бўлди. Кейинги ўттиз йил мобайнида кўп жиҳатдан иккала мамлакат раҳбарларининг зўр куч-ғайратлари ва улар ўтказаётган олисни кўзловчи сиёсат туфайли Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида ажойиб муносабатлар таркиб топди. Жавоҳарлал Неру асос солган анъанани (Ҳиндистоннинг кейинги ҳукуматлари ҳам ана шу анъана руҳида иш кўриб келган эди), мамлакатларимиз яхшироқ дунёни барпо этиш учун, биргаликда кураша олишлари учун фикрлашувлар ва баҳоларни ўртоқлашиш анъанасини давом эттириш мақсадида бу ерга келдим. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1971 йилги шартнома бизнинг ўзаро чуқур ҳурматимизни ифода этади ва тинчлик ишига хизмат қилади. Жаноб олийлари, Сиз жаҳон тарихининг ғоят муҳим босқичларидан бирида юксак лавозимингизни эгаллаган вақтингизда Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлган эдим. Сиз Ҳиндистон тўғрисида ва шахсан Сиз Ҳиндистон-Совет муносабатларига қандай катта аҳамият бераётганлигингиз ҳақида айтган тўлқинлантирувчи сўзларингизни яхши эслаб қолдим. Бугун кундузи ўртамизда самарали фикрлашув бўлиб ўтди. Эртага суҳбатимиз давом эттирилишини сабрсизлик билан кутаман. Яқин вақт ичида Сизни Ҳиндистонда табриклашимизга имкон берасиз деб умид қиламиз.

Бизнинг ядро асримизда тинчлик — Ер юзидаги барча халқларнинг энг эзгу орзусидир. Айни вақтда ҳали ҳеч қачон тарихда тинчликка таҳдид шу қадар катта бўлмаган эди. Бу таҳдидни «хавфсизлик» йўлида яратилаётган ўша қурол вужудга келтирмоқда. Қурол-яроғларнинг запаслари тобора кўпаймоқда. Жаҳон жамоатчилиги ядро қуроли қисқартирилиши ва тугатилишини қатъий талаб қилиб чиқаётганлиги умид бахш этади. Қуролсизланиш ишидаги масъулият юки ядро қуролига эга бўлган давлатлар зиммасидадир. Аммо бошқа мамлакатлар четда туришлари мумкинми? Бошқа ҳар қандай урушга қараганда ядро уруши ҳаммани бир аҳволга солиб қўяди ва у барчага ҳалокат келтиради. Ядро ажали паспорт суриштирмайди. Унинг учун миллат ҳам, шунингдек ҳаётнинг ўзи ҳам барибир. Ядро қуролидан мустаҳкам мудофаа қилиш мумкин бўлмаганидек, ядро урушида ҳам ғолиблар бўлиши мумкин эмас.

Ҳиндистон ва қўшилмаган мамлакатлар ҳамжамиятининг бошқа аъзолари барча давлатларни ядро қуроли ишлатишни ёки уни ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлашга, қуролнинг барча синовларини тўхтатиб қўйишга, қурол синовларини ҳар жиҳатдан тақиқлаш тўғрисидаги шартнома тузишга ҳаракат қилишга, ядро қуролини ва ҳарбий мақсадлардаги парчаланувчи материалларни ишлаб чиқармасликка ҳамда химиявий, биологик ва космик қурол синовларининг, уларни ишлаб чиқариш ва жойлаштиришнинг олдини олишга тинимсиз даъват этиб келмоқдалар. Биз қўшилмаган мамлакатларнинг 1983 йил Деҳлида Индира Ганди раислигида олий даражада бўлиб ўтган кенгашида шундай даъват билан мурожаат қилган эдик. Яқинда олти мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари Деҳли декларациясида шу даъватни такрорладилар.

Совет Иттифоқи бу даъватга дарҳол ва ижобий жавоб қайтарганлигидан хурсандмиз. Биз шахсан Сиз олға сурган турли ташаббусларни табриклаймиз. Сарфлаётган куч-ғайратларингизда муваффақиятга эришувингизни чин қалбдан тилаймиз. СССР билан АҚШ ўртасида қуролсизланишга бағишланган музокаралар Женевада яна бошланганлигини ва ҳар иккала давлат ишни ядро қуролини батамом тугатиш сари олиб боришга азму қарор берганлиги тўғрисидаги баёнотларини табриклаймиз.

Ялпи тинчлик ва регионлардаги осойишта вазият бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Регионлардаги можаролар ҳайрон қоларли даражада тезлиқ билан жаҳон миқёсидаги можароларга айланиб кетиши мумкин. Биз, Ҳиндистондагилар, бизга чегарадош районлардаги ва бутун Ҳинд океани ҳавзасидаги вазият тобора ҳарбийлаштирилаётганлигидан жиддий хавотирдамиз. Биз қаерда бўлмасин ташқаридан ҳар қандай интервенция ва аралашув ҳаракатларига қарши чиқамиз.

Биз қўшниларимиз билан умуман регионда тинчлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилишга киришдик. Жанубий Осиё мамлакатларининг регионал ҳамкорлигини ташкил этиш регионимиздаги мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли яхши муносабатларни ўрнатишга ёрдам беришига интилмоқдамиз.

Бошқа регионлардаги мавжуд кескинлик ҳаммамизни жиддий ташвишга солмасдан қола олмайди: фаластинликлар ҳанузгача қонуний ҳуқуқларидан маҳрум этилган, Жанубий Африка республикаси африкалик халқларга қарши қўпол апартеид ва агрессия сиёсатини ўтказиб келмоқда, намибияликлар ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлган, Лотин Америкасидаги ҳукуматларнинг фаолиятини барбод этиш учун уриниб кўрилмоқда, Жануби-Ғарбий ва Жануби-Шарқий Осиёда қуролли можаролар тўхтамаяпти.

Ҳеч қайсимиз ўз халқларимизнинг манфаатларини ҳимоя қила туриб инсоният олдидаги бурчига хилоф иш қила олмаймиз. Географик жиҳатдан халқларимиз қандай тусда бўлишидан қатъи назар пировард натижада бу ёруғ жаҳонда биз ҳаммамиз одамларнинг ягона оиласимиз. Ҳиндистон-Совет дўстлиги ҳам одамларнинг айни мана шу бирлигига хизмат қилиши лозим.

Жаноби олийлари, хонимлар ва жаноблар:

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев жаноби олийларининг соғлиғи ва муваффақиятлари учун!

Раиса Горбачева хонимнинг соғлиғи учун!

Улуғ совет халқининг янада равнақ топиши ва тараққий этиши учун!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик учун!

Бутун дунёда тинчлик учун ва инсониятни даҳшатдан халос этиш учун! — қадаҳ кўтаришни таклиф этишга ижозат бергайсиз.

* * *

М. С. Горбачев ва Р. Ганди нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий. дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

# ДЎСТОНА УЧРАШУВ

(Боши 1-бетда).

Л. Сото; МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитети секретари Д. Моломжамц, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Гомбожав; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари К. Барчиковский; РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РКП Марказий Комитетининг секретари И. Вердец, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР ҳукумати бош министрининг ўринбосари, РСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили И. Тоту; ЧКП Марказий Комитети президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Якеш иштирок этдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков қатнашдилар.

М. С. Горбачев ўз нутқида кенгаш ишини юқори баҳолади, қардош партиялар Марказий Комитетлари экономика масалалари билан шуғулланувчи секретарлари учрашувининг катта аҳамиятини уқтириб ўтди. У 1984 йилда Москвада олий даражада бўлиб ўтган иқтисодий кенгаш қарорларини амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг социал ва хўжалик муваффақиятларига эътибор қаратилди. Шу билан бирга ҳозирги оширилган талаблар ва чигаллашган халқаро вазият муносабати билан социалистик иқтисодий интеграция резервларидан янада чуқур фойдаланиш зарурлиги уқтирилди. Фан-техника тараққиётини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси ва ихтисослашувини чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатлари ўзларининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини анча ошириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга эканликлари қайд этилди.

М. С. Горбачев Совет Иттифоқининг социал-иқтисодий тараққиёти йўллари тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларини айтиб ўтди. КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумлари қарорларининг мақсади ва маъносини тушунтириб берди, партия XXVII съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида гапирди.

Ҳозир бўлганлар номидан ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг жавоб нутқи сўзлади. У дилкаш суҳбат учун КПСС Марказий Комитетига ва шахсан М. С. Горбачевга миннатдорчилик билдирди, Марказий Комитет секретарларининг кенгашидан мамнуният изҳор этди.

М. С. Горбачевнинг қардош партиялар Марказий Комитетларининг секретарлари билан учрашуви самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

# ҲУШЁРЛИК—ҲАЁТ НОРМАСИ

«Тошкент трактор заводи» бирлашмаси 26-механика-йиғув цехи коммунистлари, ишчилари 22 май куни бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида худди шундай дедилар. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан цех партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Завод коммунистлари, барча ишчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советининг ичкиликбозлик каби хавфли социал иллатни таг-туги билан тугатишга қаратилган қарорларини ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини қизғин маъқуллаб кутиб олганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Партия ва жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишлари кучайтирилганлиги туфайли заводда беш йиллик бошидан буён прогуллар сони 3,5 баравар, жамоат тартибини бузиш ҳоллари деярли беш баравар камайди. Бунда цех партия ташкилотининг ҳам роли катта бўлди.

Бироқ йиғилишда сўзга чиққан майда чўян деталлар участкасининг бригадири А. Мамиров, слесарь А. Апекишев, слесарь, цех комсомол бюросининг аъзоси А. Турсунов ва бошқалар хотиржамликка берилиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтдилар. Шу йилнинг тўрт ойи давомида цехда ўн бир киши прогул қилди, уларнинг айби билан 33 киши куни йўқотилди. Меҳнат интизомини бузувчиларгина эмас, прогул қилмасалар ҳам, алкоголли ичимликларни суиистеъмол қилиб цехга бош оғриғи билан келаётганлар ҳам ишлаб чиқаришга зарар етказмоқдалар. Бундай кишиларда меҳнат унумдорлиги ва бажариладиган иш сифати пасайиб кетади. Уларнинг айби билан кўпинча ускуналар, асбоблар синиб қолмоқда, материаллар бузилмоқда. Бундай кишилардан умумий иш, бутун коллектив зарар кўрмоқда.

Ичкиликбозларга нисбатан фақат тарбиявий чоралар кўрибгина қолмай, қаттиқ маъмурий чораларни ҳам кўришни йиғилиш қатнашчилари талаб қилиб чиқдилар. Бу ўринда ишчиларнинг ўзлари ҳам, бригадалар ҳам кўп иш қилиши лозим. А. Мамиров ўз нутқида, шундай мисолни келтирди: фрезерчи Бикбулатов прогул қилди. Унинг бу ҳатти-ҳаракатини бригада муҳокама қилиб, икки ойга унинг меҳнатда иштирок этиш коэффициентини 0,5 гача камайтиришга, квартал мукофотидан тўла маҳрум этишга қарор қилди. Интизомни бузувчи бу сабоқни узоқ вақт ёддан чиқармайди.

Йиғилишда оилада ичкиликбознинг борлиги болалар учун ҳам ва бутун оиладагилар учун ҳам фожиа эканлиги ҳақида гапирилди. Одатда, ичкиликбозлик оиланинг бузилиб кетишига олиб келади. Афсуски бундай ҳоллар юз бериб турибди.

— Орамизда ичкиликбозлар ва алкоголиклар бўлмаганда эди, кўпгина оилалар енгил нафас олган, қанчадан қанча болаларнинг чеҳрасида табассум пайдо бўлган бўлур эди,— деди цех партгруппаси ташкилотчиси, пармаловчи Р. Муслимова.— Биз кураш олиб боришимиз лозим бўлган инсоний омил, асосий резерв ана шундан иборат.

Йиғилишда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди, цехда эса ёшлар 200 кишидан ҳам кўп. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорлари зарбдорлар бор. Бироқ, асосли равишда ичкиликбоз ва прогулчи, деб аталаётганлар ҳам бор. Коммунистлар ёшлар билан иш олиб боришда кўпроқ маҳорат кўрсатиш, бўш вақтни қандай ўтказиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланиш, ётоқхоналар ёнида спорт майдончалари, уй-жой микрорайонида эса маданият саройи қурилишини тезлаштириш, дам олиш зонасини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Цех коммунистлари қабул қилган қарорда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтиришнинг, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашнинг конкрет тадбирлари белгиланган. Бу тадбирларни амалга ошириш умумий ишдир. Бироқ, бу аввало ичкиликбозлик иллатига қарши курашда муросасиз бўлиш намуналарини кўрсатиши, ичкиликбозликни бартараф қилишда актив позицияда туриши лозим бўлган коммунистларнинг ишидир.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).



● ЧИРЧИҚ трансформатор заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлари фақат Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам катта шуҳрат қозонган. Ушбу суратда завод йиғув цехининг илғор ишчиларидан Анатолий Кадников ва Александр Черкашинларни кўриб турибсиз. Улар нормани доим ошиғи билан бажариб, корхона коллективи ютуқларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

# МЕТАЛЛ — ДАВЛАТГА

### 1985 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА МЕТАЛЛОЛОМ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ҲАҚИДА (22 МАЙГАЧА ОЙЛИК ПЛАНГА НИСБАТАН ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА)

### МАЪЛУМОТ

(Биринчи устун — қора металл, иккинчи устун — рангли металл)

| Шаҳарлар: | | |
|---|---|---|
| Наримонов | 58,0 | 112,4 |
| Ангрен | 53,1 | 38,4 |
| Янгиобод | 50,0 | — |
| Чирчиқ | 48,6 | 32,8 |
| Олмалиқ | 48,3 | 45,6 |
| Бекобод | 46,5 | 62,2 |
| Оҳангарон | 44,8 | 13,3 |
| Янгийўл | 44,6 | 51,3 |

| Районлар: | | |
|---|---|---|
| Ўрта Чирчиқ | 56,6 | 22,7 |
| Бўстонлиқ | 47,6 | 22,8 |
| Тошкент | 43,6 | 25,7 |
| Янгийўл | 42,2 | 75,4 |
| Оққўрғон | 41,9 | 31,8 |
| Оржоникидзе | 41,2 | 17,4 |
| Бекобод | 40,2 | — |
| Ғалаба | 40,0 | 11,4 |
| Калинин | 39,2 | 45,7 |
| Паркент | 35,2 | 60,0 |
| Оҳангарон | 34,2 | 45,4 |
| Бўка | 33,5 | 34,6 |
| Пискент | 28,4 | 14,2 |
| Коммунистик | 23,8 | 30,0 |
| Чиноз | 22,6 | 9,3 |
| Область бўйича: | 45,3 | 43,6 |

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, май ойида металлолом тайёрлаш қониқарсиз давом этмоқда. «Чирчиксельмаш», Ғазалкентдаги консерва, Олмалиқдаги рўзғор химияси, 6-ғишт заводлари, Янгийўлдаги биохимия, Тўйтепа металл конструкциялари заводлари, Тошкент ГРЭСи, «Ташзаготхлопкопром», «Ташоблсельхозтехника» бирлашмаларининг .район корхоналари металлолом топшириш ишини суст олиб бормоқдалар.

Корхона, ташкилот, муассасаларнинг раҳбарлари металлолом топшириш суръатларини ошириш мақсадида шошилинч чоралар кўришлари ва май ойининг қолган кунларида ойлик ҳамда 1985 йилнинг беш ойлик топшириқларининг бажарилишига эришишлари лозим.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

# НОН ҲАММАМИЗНИНГ РИЗҚ-РЎЗИМИЗ!



**Одамлар нонни қадим замонлардан буён эъзозлаб келишмоқда! Нонни кўз қорачиғидек асраш ва эъзозлаш ҳар бир кишининг бурчидир!**



**«...БУҒДОЙ УНИДАН ЁПИЛГАН НОННИНГ БИР БУРДАСИ... ИНСОНИЯТ ТАФАККУРИНИНГ БУЮК ИХТИРОЛАРИДАН БИРИДИР» ДЕБ ЁЗГАН ЭДИ К. ТИМИРЯЗЕВ.**

## НОН ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Дастлаб одамлар буғдойни йиғиб хомлигача тановвул этишган, шундан кейин тошлар орасида ишқалаб ва сув билан аралаштириб тановвул қилишган. Олов пайдо бўлгандан кейин нон ёпишни ўрганишган.

Қадимги Мисрда биринчи марта хамиртурушда ундирилган нон ёпишни ўрганишган. Мисрликлардан юнонлар ва римликлар нон ёпиш санъатини эгаллашган.

Қадимги Юнонистонда нон ёпиш учун махсус қолип—«клибанос»дан фойдаланишган. Нон сўзи худди ана шу қолипдан келиб чиққан.

Қадимий Русда XI асрдаёқ буғдой унидан нордон нон ёпишган. Бу жуда катта маҳорат ҳисобланар эди.

Бундай нонни ёпиш учун ишлатиладиган квас ғоятда сир тутилган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган.

XVI асрда Москвада катта новвойхоналар ишлай бошлаган. Уларни нон дўконлари деб аташар эди. Ҳар хил печларда калачлар, буханка нонлар, алоҳида печларда эса пироглар ва ватрушкалар ёпилар эди.

Ибодатхоналарда ҳам катта новвойхоналар ишлаган. Уларнинг ҳар бири 900 кишини нон билан таъминлаб турган.

Кремлдаги «Давлат нон саройи» бир куннинг ўзида 5 тоннагача нон ёпишга улгурган, Совет даврида қурилган нон заводларида эса 600 тоннагача нон тайёрлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда 600 хил номда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда: улар буғдой ёки жайдари буғдой унидан тайёрланган бородиноча, минскча, булочка, тешиккулча, бубликлар.

Бундан ташқари ҳар хил парҳез нонлари ҳам аҳолига етказиб берилмоқда. Улар ахлорид, тузсиз, паст кислотали, хамиртурушли ва хамиртурушсиз нонлардир.

Мамлакатимизнинг турли республикаларида халқларнинг анъанавий ўзига хос нон ёпиш усуллари бор.

ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН БУЁН БИЗНИНГ ДАВРИМИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН СЕВИМЛИ ЎЗБЕК НОНЛАРИНИ ЯХШИ БИЛАМИЗ ВА СЕВАМИЗ.

Бу обинонларни тайёрлаш усули жуда оддий: ун, хамиртуруш ва сув, баъзан сув ўрнига сут ишлатилади.

Патир нонларга эса ёғ ва тухум қўшилади. Бундай нонлар 10-15 кун давомида яхши сақланади.

Нонни тандирга ёпишдан олдин унинг юзига сепиладиган седана ёки пиёз уруғи ғоятда хушбўйликни ҳосил қилади.

Бундай обинонлар яхши қиздирилган тандирда ёпилаётганлигини ҳар куни кўриб турибмиз.

## НОН МУҚАДДАСДИР!

**Ноннинг увоғини ҳам қадрлаш ва увол қилмасликни болаликдан ўргатишади. Нон ғоятда муқаддас ва мўътабар таом бўлганлиги туфайли унинг шарафига жуда кўп қўшиқлар тўқилган, гимнлар яратилган. Меҳмон келганда унинг олдига албатта нон ушатиб қўйилади.**

## ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК!

Оилангизга керагидан ортиқча нон сотиб олмасликка ҳаракат қилинг!

Қотиб қолган нонни янгидек қилиш жуда ҳам осон. Бунинг учун нонни човлига солиб суви қайнаб турган кастрюлка устига ёки қиздирилган (олдиндан сув пуркалган) духовкага қўйиб юмшатасиз.

Врачларнинг таъкидлашича кечаги ёпилган нон янги ёпилган нондан ҳам фойдали экан.

Қотиб қолган нонни ташлаб юборишга ошиқманг. Ундан жуда кўп лаззатли ва хушхўр таомлар тайёрлаш мумкин.

### ҚОТИБ ҚОЛГАН НОНДАН ТАЙЁРЛАНАДИГАН ТАОМЛАРНИНГ БИР НЕЧА РЕЦЕПТИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

#### ДЕҲҚОНЧА ШЎРВА

Қотиб қолган ноннинг устки қатламини майдаланган петрушка ва майда тўғралган пиёз билан аралаштириб сарёғда қовурасиз, сув қуясиз, туз сепасиз ва оҳиста қайнатасиз. Вақти-вақти билан аралаштириб, сўнгра тухум чақиб аралаштирасиз.

300 грамм қотган нон устки қатлами учун 1,5 литр сув, 50 грамм сарёғ, 3 дона тухум, 1 бош пиёз, ошкўк керак бўлади.

#### ҚОТГАН НОН ПУДИНГИ

Қотиб қолган нонни сутга 40-50 минут давомида шимдириб қўясиз, шундан кейин бўтқа ҳолига келгунча юмшатасиз, тухум чақиб ийлайсиз ва ҳаммасини аралаштириб, устидан шакар сепасиз. Бу кулчатойга консерваланган мевалар (данаксиз) қўшиш мумкин. Мевалар йирик бўлса майдалаб тўғраш керак. Тайёр бўлган масаллиқни товага (қолип, юза кастрюлькага) соласиз. Идишлар олдиндан ёғланган ёки нон увоғи сепилган бўлиши лозим. Шундан кейин пудингни газ плитасининг қиздирилган шкафида ёпиш мумкин.

Дастурхонга тортишдан олдин устидан мева шарбати ёки шакар сепиш мумкин.

Рецептура: бир дона оқ батон нон, 1,5 стакан сут, 2 дона тухум, 100 грамм мева.

#### ТУХУМ ҚЎШИЛГАН НОН

Буғдой ёки жавдари буғдой нони (фақат мағзи олинган ҳолда) парраклаб 1 сантиметр қалинлигида (6-8 порция учун) тўғрайсиз, олдиндан сарёғ суртиб қўйилган товага қўйиб қовурасиз.

Нон паррагига тухум чақиб солиш, туз сепиш ва тайёр бўлган тухум—нон устига петрушка ёки кўк пиёз тўғраб сепилади.

6-8 паррак нон учун — 3 дона тухум, 25 грамм сарёғ, 5 грамм кўк пиёз ёки петрушка, таъбга яраша туз керак бўлади.

#### НОН КВАСИ

Қотиб қолган буғдой нони устига қайноқ сув қуясиз, 3-4 соат давомида тиндириб қўясиз. Сувини докада сузиб оласиз, унга қуруқ хамиртуруш, шакар ва юмшаган нонни соласиз. Устидан сочиқ билан ёпасиз ва ошиши учун 5-6 соат давомида тиндириб қўясиз. Квас кўпира бошлагандан кейин иккинчи марта сузиб оласиз ва бир неча дона майиз ташлаб қўйилган шиша идишларга қуясиз, оғзини маҳкамлаб беркитасиз (тиқинларни майинлашгунга қадар қайноқ сувда намлаш керак), шундан кейин шиша идишларнинг оғзини каноп билан боғлаб маҳкамлайсиз.

Шиша идишларни совуқ жойда ётқизилган ҳолда сақлайсиз.

### НОН ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ГАПЛАР

Гомернинг гувоҳлик беришича, қадимий Юнонистоннинг зодагонлари нонни чинакам мустақил таом деб ҳисоблашган ва уни бошқа таомлардан ажратилган ҳолда тановул этишган.

Қадим замонларда кўпгина халқларда нон офтоб ва олтин каби бебаҳо ҳисобланган. Шунинг учун ҳам нон ёпилаётганда гардиш шаклида ясалиб, ўртасига чакич урилган.

Қадимги Римда бундан 2 минг йил муқаддам бир неча катта новвойхоналар бунёд этган уста новвой шарафига ҳайкал ўрнатилган. Бу ҳайкал ҳозирги кунларимизга қадар сақланиб қолган.

Ўрта асрларнинг бошларида кўпгина Европа мамлакатларида одамларнинг ижтимоий чиқишига қараб нон тақсимланган. Масалан қироллик оиласи тандирдан янги узилган нонни тановул этган, кечаги ёпилган нон эса олий жамият вакиллари учун мўлжалланган, икки кун олдин ёпилган нон эса майда дворянларга, уч кунлик ёпилган нон эса монахлар ва мактаб ўқувчиларига аталган.

Қадимги замонларда ноннинг сифатли бўлишини жиддий кузатиб боришган. Москва князлигига қарашли шаҳарларда нон белгиланган миқдорига тўғри келмаса ва белгиланган баҳосидан юқори нархда сотилса «нон пристав»лари улардан жарима ундириб олишган. «...Биринчи марта —чорак, иккинчи марта —эллик тийин, учинчи марта—икки сўм ва ҳоказо». Ашаддий қоидабузар айбдорларга тан жазоси берилган. Айни пайтда назоратчилардан ҳам қаттиқ талаб қилинган.





## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг**

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

**1985 йилга**

### ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Республика ўқув-курс комбинати савдо ва умумий овқатланиш соҳалари учун қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди:**

барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар.

Бу группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

**Ўқиш муддати—6 ой.**

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга ҳам тингловчилар қабул қилинади.

Бу группаларга ўрта маълумотли 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш муддати—11 ой.

Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлаш группаларига қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектлангандан сўнг бошланади.

**Республика ўқув-курс комбинати барча группаларга Ўзбекистон шаҳарларида яшайдиганларни қабул қилади.**

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, узлуксиз равишда олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош Универсал магазини — ГУМда, Республика конторасига қарашли «Гастроном» магазинларида ҳамда умумий овқатланиш илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълими (практика)ни ўтказадилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), турар-жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 ёки 6 дона фотосурат, характеристика, давлат савдо ташкилотидан йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент шаҳри, 700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекати). Телефон 78-44-30.

**Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг**

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ 29-ЯНГИОБОД ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1985-86 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича**

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**10-синф маълумотидаги ўқувчилар ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар учун:** тозаланадиган забой кон ишчилари. Ўқиш муддати —7,5 ой: механик айланадиган қудуқ қазиш машинасининг бурғиловчиси (шофёрлик ҳуқуқи билан). Ўқиш муддати—1,5 йил; қурувчи электр монтажчи, шахта электр слесари, сувоқчи-кошинкор-плитачи, шофёр ҳуқуқидаги автомобиль крани машинисти, озиқ-овқат моллари сотувчиси. Ўқиш муддати — 1 йил.

**8-синф маълумотидагилар учун:** сувоқчи кошинкор-плитачи, газ-электр пайвандчи, автослесарь (шофёрлик ҳуқуқи билан), совутиш қурилмалари ремонти бўйича слесарь, озиқ-овқат моллари сотувчиси, саноат моллари сотувчиси, ошпаз. Ўқиш муддати—3 йил.

Ўқиш муддати — 3 йил бўлган группаларга 14,5-15 ёшдаги қиз ва ўсмирлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати бир йил бўлган группаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассисликни эгаллаб чиққани ҳақида аттестат берилади. Мазкур группаларнинг талабаларига ўқиш даврида улар танлаган касбга қараб 30 сўмдан 107 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати 3 йил бўлган группаларга ўқишга кирган ўқувчиларга улар билим юртини битиргач, тегишли мутахассисликни эгаллаб чиққани ва ўрта маълумот олгани ҳақида диплом берилади.

**БИЛИМ ЮРТИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Ўқувчилар бепул овқат, формали кийим-бош ва шинам ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти устама мукофот пули тариқасида тўланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда алоҳида имтиёзлардан фойдаланадилар.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт:** ариза, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, ҳарбий билет ёки ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ота-онасининг иш жойидан, яшаш жойидан справкалар, медицина кўригидан ўтганлик ҳақидаги ҳужжат, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

**Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.**

Бизнинг адрес: Ўзбекистон ССР, Тошкент область, Янгиобод шаҳри, 2-алоқа бўлими, 14 квартал.




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда"/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32





Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 12273. А. 1708. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12